

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Son 4. Jild 4.

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 4 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li</i> "KASHKULI SALIMIY" ASARIDA USMONIY HUKMDORLAR TARIXINING YORITILISHI.....	12-17
<i>Ismoilova Diyoraoy Xursandjon qizi</i> AMIR NASRULLOH DIPLOMATIYASI	18-23
<i>Tursunov Farrux Fulomovich</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРГА ХОС УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР	24-28
<i>Usmonaliyev Isroiljon Ibrohimjon o'g'li</i> FARG'ONA VODIYSIDA "O'ZBEK" ETNONIMINING TARQALISHI	29-34
<i>Djurayev Ikrom Nematovich</i> YEVRUOSIYO CHORVADOR QABILALARINING FARG'ONA VODIYSIGA KIRIB KELISHI.....	35-40
<i>Esanova Nilufar Pulatovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA YENGIL SANOAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR	41-46
<i>Абдурахимова Сабоҳат Эргаш қизи</i> БУХОРО АМРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ	47-53
<i>Toshturov Shuxrat</i> MUSTAQILLIKKACHA BO'LGAN DAVRDA NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK MUHITGA TA'SIRI	54-60
<i>Kanimkulov Olimjon Sheraliyevich</i> AKADEMIK YAHYO G'ULOMOV FAOLIYATI HAQIDA QAYDLAR ("XORAZMNING SUG'ORILISH TARIXI" ASARI MISOLIDA).....	61-65
<i>Begniyazova Gozzal Allambergenovna</i> QORAQALPOQ XALQ ERTAKLARINING YIG'ILISHI VA NASHR QILINISHI.....	66-70

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Султонов Баходир Файзуллаевич, Тураева Гулизахро Каххоровна, Норбўтаев Бахтиёр Абдурахимович</i> СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ 2024-2027 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ.....	71-78
<i>Abdiganieva Zarapshan Salievna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI	79-85
<i>Otaxonova Odinaxon Inomovna</i> QORAMOLCHILIK MAHSULOTLARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA OZUQA BAZASINI YAXSHILASHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI	86-94
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ	95-99
<i>Хушмурадов Оман Намозович</i> СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	100-110

<i>Saitkamolov Muxammadxo'ja Sobirxo'ja o'g'li, Karabayev Rustam Zafarovich</i> BULUTLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BIZNES JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YO'LLARI	111-125
<i>Фаттахова Муниса Абдухамитовна</i> ПОНЯТИЕ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КРЕДИТНЫМ ПОРТФЕЛЕМ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ	126-133
<i>Isayev Jahongir Muzaffarovich</i> SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINI TA'MINLASH IQTISODIY МЕХАНИЗМНИНГ АСОСИЙ YO'NALISHI SIFATIDA	134-140
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Tilavova Umida Qahramonovna</i> RAQAMLI JAMIYATLAR TIZIMIDA INFORMATSION ETIKA KATEGORIYA VA ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АНАМИЯТИ	141-147
<i>Yulchiyev Avazbek Maxamadjonovich</i> IJTIMOIY TEXNOLOGIYALAR HAQIDAGI G'OYALARNING SHAKLLANISH EVOLYUTSIYASI	148-154
<i>Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна</i> ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	155-163
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ISLOM FALSAFASIDA DALILLASH VA VAHS YURITISH USULI ZAMONAVIY ARGUMENTLASH NAZARIYASI TALQINIDA	164-168
<i>Muminov Nozim Naimovich</i> THE PHENOMENOLOGICAL APPROACH IS THE KEY TO UNDERSTANDING THE SPREAD AND TRANSFORMATION OF SUFISM IN THE WEST	169-175
<i>Турсунов Мухиддин Болтаевич</i> СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ	176-180
<i>Mamarasulov Ulug'bek Umirzoqovich</i> SPORT TURLARINING FALSAFIY-ESTETIK TANLILI	181-184
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Исанова Феруза Тулқиновна</i> ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	185-191
<i>Петрухина Наталья Михайловна</i> КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА И ЕГО СОВРЕМЕННОКОВ	192-197
<i>Исаров Оман Рисалиевич</i> ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАКСИС КОНВЕРБИАЛ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ	198-205
<i>Родина Ирина Витальевна</i> АНТИНОМИЧЕСКАЯ ПАРА «МЕСТЬ» И «ПРОЩЕНИЕ» В ПОВЕСТИ-СКАЗКЕ Л. БОРОДИНА «ГОД ЧУДА И ПЕЧАЛИ»	206-211
<i>Ataeva Gulchekhra Bakhtiyorovna</i> THE ROLE OF IDIOMS IN ENHANCING BUSINESS COMMUNICATION: A STUDY ON THE USAGE OF IDIOMS IN BUSINESS LETTERS	212-220

<i>Erkinova Marxobo</i> ASSOTSIATIV MAYDON HOSIL QILISHDA LINGVISTIK OMILLARNING O'RNI	221-229
<i>Gulyamova Shahzoda Baxtiyor qizi</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI MATNLARNING SINTAKTIK STRUKTURASI VA PRAGMATIK XOSLANISHI	230-234
<i>Batyrkhanova Madina Oybekovna</i> THE SOMATIC CULTURAL CODES IN THE STUDY OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK PHRASEOLOGISMS	235-244
<i>Aslonov Shahram Sherzod ugli, Saidova Marjona Abdimutal qizi</i> PECULIARITIES OF TRANSLATION OF POLITICAL TEXTS IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION	245-250
<i>Olimova Dilafruzxon Baxtiyorjon qizi</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SUBYEKTIV VAHONING IFODALANISHI	251-254
<i>Bobojonov Dilshod Jumaqul o'g'li</i> INGLIZ VA O'ZBEK GAZETA SARLAVHALARIDA PUBLISISTIK USLUB BELGILARINING NAMOYON BO'LISHI	255-260
<i>Абдуллаева Нилуфар Рамазоновна, Шаймарданова Мухлиса Усмановна</i> СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА “РАСТЕНИЕ” В СОПОСТАВЛЯЕМЫХ ЯЗЫКАХ	261-266
<i>Хайруллоева Сitora Lutfulloevna</i> PSYCHOLOGICAL NOVELS OF US AND THE DEVELOPMENT OF PSYCHOLOGYSMS	267-272
<i>Qudratova Muxiba Kamolovna</i> “LYUIS KERROLLNING ALISA MO' JIZALAR MAMLAKATIDA ASARIDAGI HAYVON OBRAZLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI”	273-279
<i>Убоженко Анна Станиславовна</i> ОСОБЕННОСТИ ТЮРКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ	280-285
<i>Тухтаева Наргисхон Исамутдиновна</i> ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНОГО УПАДКА ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ	286-292
<i>Gulnora Xolmurodova Sattorovna, Bo'ronova Mekkamtosh Xoliqulovna</i> INGLIZ VA O'ZBEK LISONIY MANZARASIDA MAQOLLARNING O'RNI	293-297
<i>Алибаева Лола Намазовна</i> ЖЕНСКИЕ ОБРАЗЫ В РАССКАЗАХ Л. ПЕТРУШЕВСКОЙ	298-303
<i>Eshqurbonova Aziza Bozor qizi</i> DIALOGIK NUTQDA SAVOLLARNING IFODALANISHI	304-308
<i>Norova Rahima Fayzulloevna</i> O'ZBEK VA INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGIDAGI SEHRLI VOSITALARNING QO'LLANISHIDA O'XSHASH JIHATLAR	309-316
<i>Egamberdiyeva Iroda Abdurahimovna</i> TRANSLATIONS OF HISTORICAL WORKS INTO ENGLISH	317-323
<i>Axmedova Adolat Ravshan qizi</i> GASTRANOMIYA TUSHUNCHASI HAMDA GASTRANOMIK REKLAMA MATNLARI	324-330

<i>Asqarova Madina Boymurod qizi</i> KORPUS LINGVISTIKASIDA MATN ANNOTATSIYASINING LINGVISTIK MUAMMOLARI	331-334
--	---------

<i>Калниязов Есемурат Шамшетович</i> ГОСТЕВОЙ ЭТИКЕТ И СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ	335-342
---	---------

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Bahodir To'raev</i> HUQUQIY MADANIYAT VA HUQUQIY TARBIYANING DEMOKRATIK DAVLAT RIVOJLANISHIDAGI ROLI	343-351
---	---------

<i>Турсоатов Содиқ</i> РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ	352-357
--	---------

<i>Хидиров Фурқат Шукуруллаевич</i> МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	358-363
---	---------

<i>Рахимбаев Уткир Файзуллаевич</i> ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ИНФРАСТРУКТУРЫ И СЕРВИСА ДЛЯ ТУРИСТОВ	364-372
---	---------

<i>Турсынбаев Азизбек Халмурзаевич</i> МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КАК СПОСОБ РЕАЛИЗАЦИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ	373-377
--	---------

<i>Yakubov Abduraxmon Turayevich</i> TA'LIM HUQUQINING HUQUQIY SAVODXONLIKNI AMALGA OSHIRISHDAGI O'RNI	378-382
---	---------

<i>Rasulov Salimbek Baxtiyor o'gli</i> YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO'YICHA KONVENSIYASI – KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY XALQARO HUQUQIY ASOSLARIDAN BIRI SIFATIDA	383-387
---	---------

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Хайров Расим Золимхон угли</i> АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА	388-395
--	---------

<i>To'rayev Panji To'xtayevich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASIDA KURASHCHILARNI PSIXOLOGIK JIHATDAN TAYYORLASH	396-400
---	---------

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i> TALABALARNI KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA IJTIMOIIY FAOLLIKNING AHAMIYATI	401-406
--	---------

<i>Yuldasheva Sayyora Aliaskarovna</i> TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILINI INTEGRATSION O'QITISH	407-411
---	---------

<i>Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich</i> SPORT MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK NAZORATNING AHAMIYATI	412-418
---	---------

<i>Абдувахобов Искандер, Гизатулина Ольга Ивановна</i> ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СМЕШАННЫХ СРЕДАХ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВУЗА	419-426
<i>Назарова Озода Шавкатовна</i> СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ	427-432
<i>Pirnazarova Sevara Doniyor qizi</i> OLIQ O'QUV YURLARIDA XORIJIY TILNI O'QITISHDA O'YIN USULLARINI QO'LLASH	433-438
<i>Ko'ziyeva Gulnoza Maxamadaliyevna</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK SALOHİYATINI OSHIRISH METODIKASI	439-444
<i>Умирзокова Сурайё</i> ТАЛАБАЛАРИНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	445-451
<i>Olimova Nigora</i> MUVAFFAQIYATLI O'RGANISHDA SINFINI BOSHQARISH KO'NIKALARINING AHAMIYATI	452-463
<i>Nabiyeva Firuza Odil qizi</i> “ELEKTROMAGNETIZM” BO'LIMINI O'QITISHDA AMALIY MASHG'ULOTLARNING AHAMIYATI	464-471
<i>Sobirova Oygul Alimovna</i> BO'LAJAK MUSIQA O'QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD HOLATINI TAHLILYIY VAHOLASH	472-479
<i>Shermatov G'ulom Kaxxorovich</i> IMPROVING THE TECHNIQUE OF BADMINTON SPORTS TRAINING	480-486
<i>Shamirzayeva Zarifa Xudoyorovna</i> TALABALARDA KASBIY KO'NIKALARNI SHAKLLANISHIDA MIKROTA'LIM O'QITISH TEKNOLOGIYASINING SAMARALI JIHATLARI	487-492
<i>Ziyadullayeva Dilafruz Xudayberdiyevna</i> O'SMIRLARDA YETAKCHILIK XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETINSIYAVIY FAOLIYATNING PEDAGOGIK ASOSLARI	493-498
<i>Muydinov Firuzjon Farxodjonovich</i> TIBBIY TA'LIM TALABALARIDA MEDIAKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI	499-505
<i>Egamberdiyeva Feruza Abdimannonovna</i> MULTIMEDIA TEKNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN DASTURIY TA'MINOTNI LOYIHALASH	506-510
<i>Худойбердиева Дурдона Баходир қизи</i> ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ В РАБОТЕ С ОДАРЕННЫМИ ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА	511-516
<i>Курбонов Дониёрбек Кахрамонович</i> ОБУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ	517-524

Shamsiddinov G'iyos Xusniddin o'g'li, Jurayeva Feruza Baxtiyor qizi

IQTISODIYOT YO'NALISHI TALABALARIGA EKONOMETRIKA FANINI O'TISHNING

INTERAKTIV USULLARI 525-532

Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ 533-539

10.00.00-ФИЛОЛГИЯ ФАНЛАРИ

Исанова Феруза Тулқиновна
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети мустақил изланувчиси

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА
УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада халқаро ҳуқуқ соҳасига оид ўзбек тилидаги лексик бирликлар, хусусан терминлар ва фразеологик бирликлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ключевые слова: термин, ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, фразеологик бирликлар, синтактик усул, лексикализация.

Isanova Feruza
Independent researcher,
Uzbek State University of World Languages

**LEXICAL UNITS IN THE FIELD OF INTERNATIONAL LAW AND THEIR FEATURES IN THE
UZBEK LANGUAGE**

Abstract. The article analyzes lexical units, special terms and phraseological units of the Uzbek language related to the field of law, as well as international law, their specific features.

Key words: term, law, international law, phraseological units, syntactic method, lexicalization.

Исанова Феруза Тулқиновна
Независимый соискатель Узбекского
государственного университета мировых языков

**ЛЕКСИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ В СФЕРЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА И ИХ ОСОБЕННОСТИ
В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

Аннотация. В данной статье анализируются лексические единицы, специальные термины и фразеологизмы узбекского языка, относящиеся к сфере права и международного права, а также их специфические особенности.

Ключевые слова: термин, право, международное право, фразеологизмы, синтаксический метод, лексикализация.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I4Y2024N26>

Сўнги йилларда мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Савдо Ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги иштирокини фаоллаштириш, хорижий давлатлар билан яқин ҳуқуқий муносабатларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур масала давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси доирасида “Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мақсад қилинган.

Таъкидлаш жоизки, халқаро муносабатлар ривожланиши баробарида, халқаро ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ тараққиётининг асосий омиллари сифатида бу борадаги лексик бирликларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзига хос лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш ниҳоятда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши ҳақида сўз борар экан, бу борада филология фанининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ўзбек тилининг халқаро ҳуқуқ соҳасида юзага келаётган катта миқдордаги терминологик ва лингвистик бирликларни қиёсий ўрганиш зарурати аллақачон юзага келган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тилида ҳуқуқ, шу жумладан халқаро ҳуқуқ соҳасидаги лексик бирликлар ва уларнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари бор. Мазкур мақолада айнан шу ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат таркиби, шу тилдаги сўзлар мажмуи лексика деб аталади.[Ўзбек тили лексикологияси. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Д. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти. Тошкент. Ўзбекистон ССР «ФАН»] Лексик бирликлар эса тилнинг муайян маънони билдирувчи энг кичик маъноли бирликлари ҳисобланади. Лексик бирликлар сўзлар, фразеологизмлар (барқарор бирикмалар) ва қўшма сўзлардан иборат бўлади.

Тилнинг муҳим лексик бирлиги – бу терминлар бўлиб ҳисобланади. Термин – муайян махсус мақсадлар учун мўлажалланган маълум бир тилнинг лексик бирлиги эканлигига биринчи бўлиб, В.М.Лейчик эътибор қаратган. Унинг таъкидлашича, термин – бу муайян бир махсус билим ёки фаолият соҳаси назарияси умумий-аниқ ёки мавҳум-тушунчани англатувчи махсус мақсадлар учун мўлажалланган маълум бир тилнинг лексик бирлиги бўлиб ҳисобланади[1].

«Термин» лексемаси лотинча «terminus» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «охири», «чек», «чегара», «тугаш» деган маъноларни билдиради»[2]. П.Нишоновнинг фикрича, термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир[3]. Термин деганда, муайян тушунчани аниқ ифодаловчи фан, техника, санъат ва бошқа турли соҳаларда қўлланувчи сўз ёки сўз бирикмаси тушунилади[4].

Терминнинг лексик бирлик эканлигига профессор О.Ахмедов ҳам эътибор қаратган бўлиб, у ўз тадқиқот ишида «термин», «атама», «истилоҳ», «номенклатура» тушунчаларини фарқлаб, «Терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумдабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, терминлар ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир»-деб таъкидлайди[5].

Юридик соҳадаги терминлар ҳақида гап борар экан, уларнинг бир қатор хусусиятлари борлигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳуқуқий терминология ўзига хос такрорланмас тадқиқот объекти ҳисобланади, чунки у бошқа терминлар тизимига

қараганда қўлланиш соҳаларининг ниҳоятда турли-туманлиги билан ажралиб туради[6].

Бевосита халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларга назар ташлайдиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ динамик хусусиятга эга воқелик бўлиб, ижтимоий муносабатлар тараққий этган сайин у ҳам доимий ривожланиб боради. Халқаро майдондаги кескин ва жадал суръатлар билан содир бўлаётган мисли кўрилмаган ўзгаришлар халқаро ҳуқуқнинг халқаро гуманитар ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро экология ҳуқуқи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва шу каби бошқа янги соҳаларини шакллантирмоқда.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминлар ва лексик бирликлар генетик, структур-морфологик, структур-синтаксик ва семантик нуқтаи-назардан тизимли равишда таҳлил қилинмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан кейин кириб келган терминлар ҳозиргача халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминлар тизимидаги лакуналарни (етишмаган тушунчаларни) тўлдириб келмоқда. Шу ўринда, инглиз тили халқаро ҳуқуқ терминологияси ва лексик бирликлар тизими жуда юқори даражада кенг ва ҳар томонлама ўрганилганлиги билан ажралиб туради ҳамда бошқа тиллар, жумладан ўзбек тилига ўзлаштириш учун самарали манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тилида халқаро ҳуқуқ соҳасига оид терминлари аввало, тизимлилиги, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги тушунчаларнинг тўлиқ қамраб олинганлиги, зиддиятли эмаслиги, нисбатан барқарорлиги, очиқлиги ва динамик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларнинг яна бир муҳим хусусияти – бу уларнинг халқаро характерга эгалигидир. Зеро, айнан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий соҳаларда халқаро-ҳуқуқий алоқалар амалга ошади. Шу сабабли, турли халқлар ва турли тил ташувчиларининг ўзаро бир-бирини тушуниши муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар таҳлили халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларнинг шаклланишида ўзбек тили ўзининг ички имкониятларидан кенг фойдаланишини кўрсатади. Бинобарин, ўзбек тили терминлари тизимининг ривожланиши, шаклланиши ва такомиллашувида шу тилнинг ички имкониятлари асосий ролни ўйнамоқда. Жамиятимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, шу жумладан суд-ҳуқуқ ва халқаро оммавий ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, Ўзбекистоннинг жадал суръатлар билан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви тилнинг ички имкониятларидан максимал фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бунда ички имконият дейилганда, аффиксация ва синтактик усул билан сўз ясаши ҳақида фикр юритилмоқда. Профессор, О.Ахмедовнинг фикрича, аффиксация орқали сўз яшаш инглиз ва ўзбек тилларида маҳсулдор усул ҳисобланади ва у икки асосий гуруҳга бўлинади:

- 1) суффикслар орқали;
- 2) префикслар орқали сўз яшаш.

Аффиксация усулида лексемалар маълум қўшимчалар ёрдамида ифодаланади. Бу морфологик ифодаланиш дейилади. Суффикс ва префикслар морфологик нуқтаи назардан сўз ясовчи элементлар ҳисобланади, ёрдамчи морфемалар, сўз ясовчи

формантлар ўзларида тилнинг энг кичик сўз ясовчи, “қурилиш” элементларини акс эттиради[7].

Ўзбек тили халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларининг ясалишида, уларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда қуйидаги, *-лик, -чилик, -гар, -дор, -увчи, -чи* аффикслар фаол иштирок этади. Масалан, *адвокатлик, жосуслик; террорчилик, давлатчилик, миллатчилик; жавобгар, даъвогар; айбдор, гумондор, манфаатдор; жинойтчи, терговчи, ижрочи.*

Шунингдек, ўзбек тилида *-ш (-иш)* қўшимчаси ҳам халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларни шакллантиришда фаол термин ясовчи вазифани ўтайди. Мисол учун, *ёлланиш, қийнаш, қўрқитиш, тайинлаш, ўғирлаш, таҳқирлаш, алдаш, мажбурлаш.*

Бундан ташқари, ҳозирги кунда *-в* қўшимчаси ҳам юридик терминологияда ва халқаро ҳуқуқ соҳасида термин ясовчилик функциясини бажараётганлигини кўриш мумкин. *Сайлов, суриштирув, судлов, тинтув, қидирув, айблов* каби юридик терминлар ана шу қўшимчанинг маҳсулидир.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги терминларнинг **синтактик усул** билан ясалиши ҳақида гап борганда, аввало ўзбек тилининг юридик терминологиясида якка сўзли терминларга нисбатан бирикмали, яъни таркиби икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган терминлар салмоқли ўринни эгаллашини қайд этиш керак.

Аёнки, тилшуносликда жами термин ва тушунчаларни туб ва қўшма, ясама лексемалар воситаси билангина ифодалаб бўлмайди. Ясама сўзлар содда ва қўшма сўзларга бўлинади. Қўшма сўзлар эса имло қоидасига кўра қўшиб ёки ажратиб ёзилади. Айни шундай ҳолатда сўз бирикмаларидан кенг фойдаланилиши табиийдир[8].

Оддий қилиб айтганда, синтактик усул билан термин ясалиши деганда сўз бирикмасининг сўзга айланиши тушунилади. Маълум бир сўз бирикмаси ягона лексик маъно касб этиши натижасида синтактик бирликдан лексик бирликка айланиши лексикализация жраёни деб аталади. Лексикализация – бу тилнинг алоҳида элементининг (морфема, сўз шакли), сўз бирикмаларининг алоҳида мустақил сўзга ёки фразеологик бирликка айланишидир[5].

Таъкидлаш жоизки, лексикализация усули юридик, шу жумладан халқаро ҳуқуқ соҳасига оид терминларни ҳосил қилишда фаол иштирок этади. Бинобарин, бирикма ҳолидаги юридик терминлар жуда кўп ва ясалиш жиҳатдан хилма-хил кўринишларга эга. Бунга мисол қилиб *халқаро шартнома, халқаро инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ, халқаро суд, халқаро экология ҳуқуқи, инсониятга қарши жинойтлар, трансчегаравий жинойтлар, кибер жинойтчилик* каби терминларни келтириб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида юридик терминлар, шу жумладан халқаро ҳуқуқ терминлари асосан **от+от, сифат+от, от-ҳаракат** қолипида ясалади. Масалан, *иш вақти, давлат суверенитети, маданий мерос, мустақил давлат, одам ўғирлаш, жазо тайинлаш, пора бериш, пора олиш* кабилар.

Демак, ўзбек тили халқаро ҳуқуқ терминологиясини тадқиқ этиш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ терминларини ҳосил қилишнинг энг самарали усуллари – бу аффиксация ва синтактик усуллардир. Ўзбек тилида аффикслар асосан отларга қўшилади ҳамда терминларнинг

шаклланишида -лик, -чилик, -гар, -дор, -увчи, -чи, -ш (-иш), -в аффикслар фаол иштирок этади. Халқаро ҳуқуқ соҳасига оид терминларни ҳосил қилишда лексикализация усули фаол иштирок этади.

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги лексик бирликлар ҳақида сўз юритганда, фразеологизмлар ҳақида гапириш ўринлидир.

Маълумки, фразеологик бирликлар маълум бир тилда сўзлашувчи халқнинг маданий тил бойлигини акс эттиради ва дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга ёрдам беради.

Мустақиллик даврида тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» (1992), М.Содиқованинг «Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати» (1994), Маҳмуд Сатторнинг «Ўзбекнинг гапи қизиқ» (1994; 2011), Б.Ўлдошев, К.Бозорбоевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» (сўзлик, 1998), Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг «Маънолар маҳзани» (2001), Ш.Шомақсудов, С.Долимовларнинг «Қайроқи сўзлар» (халқ иборалари, 2011), Н.Маҳмудов, Д.Худойбергеноваларнинг «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» (2013), Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг «Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати» (2014) сингари лексикографик асарлари шулар жумласидандир[9].

Профессор Б.Ўлдошев, ўзбек фразеологияси тадқиқ этар экан, шундай хулосага келади: ўзбек тилшунослигида фраземаларни структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал жиҳатлардан ўрганиш соҳасида муайян ютуқларга эришилди, монографиялар, илмий мақолалар, фразеологик луғатлар яратилди, бир неча номзодлик диссертациялари ҳамда докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шундай бўлса-да, ўзбек фразеологиясида ҳали чуқур илмий ўрганишни тақозо этувчи муаммолар ҳам анчагина бор. Эндиги вазифа ўзбек тилидаги фраземаларнинг қиёсий-тарихий, лингвокультурологик, лингвопрагматик ва типологик таҳлили бўйича ҳозирги замон тилшунослиги нуқтаи назаридан тадқиқотларни янада кучайтиришдан иборатдир[10].

Бизнингча, ҳуқуқ, шу жумладан халқаро ҳуқуқ соҳасидаги фразеологик бирликларни тадқиқ этиш ҳам ҳозирги замон тилшунослигининг муҳим йўналишларидан биридир. Чунки, юридик нутқ ўзининг амалий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб турсада, фразеологик бирликлар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Айти пайтда маданий компонентнинг мавжудлиги сабаб, уларни ҳар доим ҳам аниқ таржима ва талқин қилиб бўлмайди. Юридик фразеологиялар муайян ҳуқуқий маданиятларга хос бўлган, бир томондан ҳуқуқий тушунчаларни, иккинчи томондан эса, ўзига хос ҳуқуқий ҳодисаларни акс эттирувчи сўз ва иборалар мажмуидир. Ҳуқуқий фразеологиянинг маданий компонентини, шунингдек унинг семантикасини ўрганиш уларнинг мазмунини ноаниқ талқин қилиш натижасида юзага келган ҳуқуқий низоларни ҳал қилишга ёрдам беради[11].

Фразеологик бирликлар юридик соҳада иш ҳолатларини ўзига хос усулда, янада ёрқинроқ ва ҳис-туйғули ифодалайди. Масалан, «қамоқда ўтирмақ», «ёзилмаган қонун», «ёзилмаган конституция», «судга ҳурматсизлик» кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам фразеологик бирликлар кенг қўлланилишини кўриш мумкин, бу фраземалар асосан инглиз ва латин тилларидан кириб келган. Мисол учун,

“вето ҳуқуқи (қарор қабул қилишни тўсиб қўйиш, масалан, БМТ аъзоларидан АҚШ, Хитой ва РФда шундай ҳуқуқ бор)”, “Брекзит” (Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиб кетиш жараёни) “Кворум” (қарор қабул қилиш учун етарли доирадаги шахсларнинг иштироки ёки мавжудлиги) ва ҳ.к.

Демак, юридик ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги фразеологик бирликларни ўрганиш турли маданиятларга эга давлатлар ўртасида халқаро муносабатларни ўзаро тушунишга ёрдам беради. Шу тариқа, халқаро ҳуқуқ нормаларининг тўғри ва оқилона татбиқ этишга эришиш мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура : учеб. пособие. – М. : Наука, 2006. – 296 с.
2. Абдуллаева Ш.Н. Тилшуносликда терминология масалаларига оид назарий карашлар //НамДУ илмий ахборотномаси. <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/36>. -2019 йил. 5-сон.2.
3. www.journal.fledu.uz- "O'zbekistonda xorijiy tillar" ilmiy-metodik elektron jurnal. -No 4 (12). -2016. 1; С.215.
4. Нишонов П. Француз ва узбек тиллари юридик терминологиясининг киёсий-типологик тадқиқд. Ном. дисс.. автореферати. - Тошкент, 2009.7. 6;26.
5. Д.И.Ходжаева. О'ЗБЕК TILSHUNOSLIGIDA TERMINOLOGIYA:RIVOJLANISHI, BOYISH VA XUSUSIYATLARI // СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ 4ЖИЛД,5СОН. Бет. 172.
6. Ахмедов О.С. Инглиз ва узбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик тахлили ва таржима муаммолари: Филология фанлари докт. дисс. Тошкент, 2016. 3; 21.
7. www.journal.fledu.uz- "O'zbekistonda xorijiy tillar" ilmiy-metodik elektron jurnal. -No 4 (12). -2016.2; 295.
8. Ахмедов О.С. Инглиз ва узбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик тахлили ва таржима муаммолари: Филология фанлари докт. дисс. автореф. Тошкент, 2016. 16.
9. Ахмедов О.С. Инглиз ва узбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик тахлили ва таржима муаммолари: Филология фанлари докт. дисс. Тошкент, 201; 92-93.
10. Б.Йўлдошев. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар Хорижий филология. №1, 2017 йил. – Б.5.
11. Б.Йўлдошев. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар Хорижий филология. №1, 2017 йил. – Б.11.
12. Калиновская В. В. ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В ЮРИДИЧЕСКОМ ДИСКУРСЕ // Вестник Университета имени О. Е. Кутафина. 2021. №10 (86). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-frazeologicheskikh-edinit-v-yuridicheskom-diskurse> (дата обращения: 30.03.2024). С. 70.
13. Исанова, Ф. (2022). ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 5(2), 46–52. Retrieved from <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/57>
14. Isanova, F. (2022). ИНГЛИЗ ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук /

- Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 6(3), 44–49. Retrieved from <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/77>
15. Isanova, F. (2023). O‘ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(7), 151–160. <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N20>
 16. Исанова Феруза Тулкиновна. Обучение английскому языку в аграрных вузах // Вестник науки и образования. 2020. №14-2 (92). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obuchenie-angliyskomu-yazyku-v-agrarnyh-vuzah> (дата обращения: 30.03.2024).

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 4 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).